

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВА КОМОЛА ГАИБУЛЛА ҚИЗИ

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ПАТОЛОГИЯСИ БЎЛГАН ЎСМИР ҚИЗЛАРДА
ХАЙЗ ДАВРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Исмоилова Комола Гаибулла Қизи

Қалқонсимон без патологияси бўлган

ўсмир қизларда хайз даврининг

шаклланишини оптималлаштириш 3

Исмоилова Комола Гаибулла кизи

Оптимизация формирования менструального

цикла у девочек с тиреоидной патологией 31

Ismoilova Komola Gaibulla kizi

Optimization of the formation of the

menstrual cycle in girls with thyroid pathology 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 64

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВА КОМОЛА ГАИБУЛЛА ҚИЗИ

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ПАТОЛОГИЯСИ БЎЛГАН ЎСМИР ҚИЗЛАРДА
ХАЙЗ ДАВРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.2.PhD/Tib3462 рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зуфарова Шахноза Алимджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гильдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болалар ва ўсмирларда эндокрин патология таркибида қалқонсимон без касалликлари сўнгги йилларда биринчи ўринга чиқмоқда. Ўсмир қизларнинг (10–19 ёш) тахминан 16–18% ида менструал цикл билан боғлиқ турли бузилишлар кузатилади. Бу кўрсаткичлар айрим минтақаларда, айниқса кам таъминланган мамлакатларда янада юқори бўлиб, гинекологик патологиялар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ўсмир қизлар ва репродуктив ёшдаги қизларнинг саломатлигини яхшилаш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун энг муҳим ва истиқболли сармоя эканлигини таъкидлайди¹. Шу билан бирга, тиреоид ва репродуктив тизимларнинг чамбарчас функционал боғлиқлиги маълум бўлиб, бу гомеостазнинг бир тизимида бузилиш кузатилганда уларнинг биргаликда бузилиш эҳтимолини ошиши унинг клиник ва генетик хусусиятларини ўрганиш орқали патогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

Жаҳонда ўсмир қизлар орасида қалқонсимон без патологиялари кенг тарқалган бўлиб, улар 35–60% ҳолатда ҳайз цикли бузилишлари билан кечади. Бундай бузилишлар – олигоаменорея, аменорея, дисменорея – ўсмирларнинг жисмоний ва репродуктив ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Экологик омиллар, йод танқислиги ва стресс ҳолатлари бунда асосий роль ўйнайди. Ушбу ҳолатни эрта аниқлаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Статистик ҳисоботлар шуни кўрсатадики, сўнгги ўн йилликда бутун дунёда ўсмир қизлар орасида гинекологик касалликлар (ҳайз циклининг бузилиши, жинсий аъзоларнинг яллиғланиши ва бошқалар) билан касалланишнинг ўсиши кузатилмоқда. Ўсмир қизлар саломатлигининг ижтимоий аҳамияти шундаки, улар яқин келажакда жамиятнинг репродуктив, интеллектуал, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий захираси ҳисобланади. Сўнгги 10 йил ичида Ўзбекистонда 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар орасида ҳайз циклининг бузилиши ҳолатлари 3,4 бараварга ошди. Мутлақ ёки нисбий бепуштлиқ бўйича хавф гуруҳидаги қизлар сони кўпайган. Ҳайз циклининг бузилиши болалар ва ўсмирлар гинекологиясида энг кенг тарқалган патологиялардан бири бўлиб, статистик маълумотларга кўра, улар деярли ҳар учинчи қизда учрайди. Афсуски, соғлиқни сақлаш амалиётида ўсиш давридаги ҳайз кўриш бузилишлари фақат клиник белгилар яққол намоён бўлгандагина аниқланади. Шу сабабли, бу борада ўсмир қизларда ҳайз цикли шаклланишини генетик хусусиятларини ўрганиш ва беморларни самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

¹ WHO. Classification of cystic fibrosis and related disorders, Report of a Joint Working Group of WHO/ICF(M)/ECFS/ECFTN: 2001. Geneva: URL <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/10421275/>

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ- 5590-сонли "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026² йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонлари ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон "2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори, 2023 йил 8 сентябрдаги "Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-296-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, ўсмир қизларнинг репродуктив салоҳиятини сақлаб қолиш, яъни фертил ёшда фарзанд кўриш функциясини амалга ошириш имконияти дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида энг муҳим тиббий-ижтимоий муаммолар қаторига киради. D витамини ретсепторлари ва 1 α -гидроксилаза ферменти тухумдонлар, бачадон, йўлдош ва гипофизда топилган бу D витаминининг репродуктив функцияга бевосита таъсирини белгилайди (L.M. Bodnar, H.N. Simhan, R.W. Powers et al., 2017). VDR генидаги генетик ўзгаришлар генларни фаоллаштиришда жиддий бузилишларга олиб келиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар кальций метаболизми, ҳужайралар пролиферацияси ва иммунитет функциясига таъсир кўрсатиши хабар қилинган. Бундан ташқари, VDR (SNP) нинг баъзи бир нуклеотидли полиморфизмлари маълум касалликларга генетик мойилликни келтириб чиқариши мумкин (Vilarino FL, Bianco B, Lerner TG, Teles JS, Mafrá FA, Christofolini DM, et al., 2021). VDR генида мавжуд бўлган SNP ретсептор узунлигини ўзгартиради ва унинг нишон ҳужайраларда фаоллашувини камайтиради (Jurutka PW, Remus LS, Whitfield GK, Thompson PD, Hsieh JC, Zitzer H, et al. 2018). FokI полиморфизми (rs 2228570, 9-экзонда Т/С алмашинуви), ўз навбатида, трансляция қилинадиган соҳада мавжуд бўлиб, транскрипция фаоллиги пасайган узунроқ VDR оксилени ҳосил қилиш орқали функционал фаолликка таъсир қилади (Uitterlinden AG, Fang Y, Van Meurs JBJ, Pols NAP, Van Leeuwen JPTM., 2024).

МДХ давлатларида ўсмир қизларда эндокрин омиллар, айниқса қалқонсимон без дисфункцияси хайз бузилишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланиб, TSH юқори бўлган қизларда олигоменорея 58%, меноррагия 27% ҳолларда қайд этилган. (Л.М. Ильина, С.А. Бондаренко, 2020). Бир гуруҳ олимлар тадқиқотларида 15–17 ёшдаги қизларда менархе бошланиши ўртача 12,6 $\pm$ 0,9 ёшда кузатилган, аммо циклнинг тўлиқ барқарорлашиши 2–3 йил давомида кечиккан ва бу гуруҳда олигоменорея 18–20% ҳолларда учраган. (Г.А. Савельева, 2019) .

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами

Қозоғистонда олиб борилган тадқиқотларда ўсмир қизлар орасида менархе кечикиши (≥ 15 ёшда) ҳолатлари 7,4% ни ташкил этган, бунда тиреоид патологияси бўлган қизлар улуши назорат гуруҳига нисбатан икки баравар юқори эканлиги кўрсатилган ($p < 0,05$) (Ж.Е. Сеиткулова, 2021). Репродуктив тизим аъзолари касалликларининг кўплаб нозологик шакллариининг патогенези ва ривожланишида хужайранинг турли бўлимларида содир бўладиган ва организмнинг реактивлигини, эндоген ва экзоген омиллар таъсирида унинг мослашувчанлик салоҳиятини белгилайдиган носпецифик биокимёвий жараёнлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай регулятор метаболик механизмлардан бири липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) ва антиоксидант ҳимоя (АХ) жараёнлари бўлиб, улар ягона тизимни ташкил этади ва яхлит организм учун оптимал даражада оксидланиш-қайтарилиш гомеостазини таъминлайди. ҚБ функцияси маълум даражада унинг тўқимасидаги ЛПО жараёнларининг интенсивлигига боғлиқлиги кўрсатилган. Организмнинг табиий антиоксидант ҳимояси пасайишининг ривожланишида SOD2 супероксиддисмутаза ва CAT каталаза генлари полиморфизмлари каби генетик маркерлар маълум роль ўйнайди. C-262T полиморфизми оксидловчи стресс даражасини пасайтириш орқали кислороднинг фаол шакллариини нейтраллаштирадиган каталаза ферментининг фаоллигига таъсир қилади (Сазонтова Т.Г., Архипенко Ю.В., 2017).

Ўзбекистонда эса сўнгги йилларда қалқонсимон без патологиялари ва репродуктив саломатлик бўйича маҳаллий тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, айнан ҳайз цикли бузилишларининг тиреоид ҳолати билан боғлиқлигига бағишланган кенг қамровли илмий изланишлар чекланган. 2021 йилда Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган скринингда ўсмир қизларнинг 22,4% да қалқонсимон без патологияси (эндемик зоб) аниқланган, лекин менструал бузилишлар билан тўғридан-тўғри боғлиқлик етарлича ўрганилмаган. Тадқиқотларда генетик маркерлар – TSHR rs179247 ва VDR rs2228570 полиморфизмлари аниқланиб, улар ХДБ ривожланишини башорат қилишда прогностик аҳамиятга эга эканлиги таклиф этилган (Ф.Ф. Ботирова, 2023), 2022 йилги ишланмаларида ўсмирлик давридаги дисменорея ва ановулятор цикллار этиологиясида тиреоид гормонларининг ролини баҳолаш учун комплекс гормонал панел (TSH, FT4, LH, FSH, пролактин) текшируви таклиф қилинган ва бу алгоритм репродуктив саломатлик клиник протоколларига киритилган (Г.Х. Саттарова, 2022).

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳайз цикли бузилишларининг молекуляр-генетик предикторларини ўрганиш касаллик ривожланиши, клиник кечишида генетик омилларнинг аҳамияти, хусусиятларини аниқлаш ҳамда патогенетик даволашни такомиллаштиришни талаб этади, ва диссертация мавзусини долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг "Қалқонсимон без патологияси бўлган ўсмир қизларда ғайз даври бузилишларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллариини ишлаб чиқиш" (2022-2025 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қалқонсимон без ва ҳайз даври дисфункциясига мойиллик генлари полиморфизмининг роли ва

хусусиятларини ўрганиш, қалқонсимон без патологияси бўлган қизларда ҳайз цикли бузилишларини даволаш ва олдини олиш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиреоид патологияси бўлган ўсмир қизларда ҳайз даврининг шаклланиш хусусиятларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

тиреоид патология фонида ХДБ билан оғриган беморларнинг гормонал ҳолати хусусиятларини баҳолаш;

қалқонсимон без патологияси ва ҳайз цикли функцияси бузилишини белгиловчи ўзига хос генлар таъсирини аниқлаш;

тиреоид патологияси бўлган қизларда ҳайз циклини шакллантиришни оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қалқонсимон без патологияси билан боғлиқ ҳайз даврининг бузилиши бўлган 101 нафар ўсмир қизларнинг (13-18 ёш) ретроспектив ва проспектив таҳлил маълумотлари олинган. Назорат гуруҳига қалқонсимон без патологияси бўлмаган ва мунтазам ҳайз кўрадиган 95 нафар соғлом ўсмир қизлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўсмир қизлардан генетик таҳлил ўтказиш учун сўлак намунаси олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, генетик, гормонал ва инструментал тадқиқотлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўтказилган клиник, лаборатор ва инструментал текширув маълумотларининг динамик таҳлили асосида ҳайз функцияси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва қалқонсимон без патология шаклларига қараб унинг вариантлари (гиперменорея, гипоменорея ва аменорея) исботланган;

қалқонсимон без патологияси бўлган ўсмир қизларда фолликулогенез жараёни бузилишининг эрта маркерлари бўлган ХДБ турига хос гормонал ўзгаришлар исботланган;

қалқонсимон без патологияси бўлган ўсмир қизларда ХДБ ривожланишида иштирок этувчи молекуляр-генетик маркерлар исботланган бўлиб, нохуш аллелларни ўз ичига олган генотиплар ("G" полиморфизми, TSHR генининг rs179247A/G полиморфизми, CAT генининг rs1001179 (C2627) полиморфизмининг минор "T" полиморфизми, VDR генининг rs2228570 (FokI) полиморфизмининг "T" полиморфизми ва CTLA-4 генининг A/G полиморфизмининг "G" полиморфизми) мустақил генетик маркерлар эканлиги исботланган;

қалқонсимон без патологияси бўлган қизларда ҳайз даври шаклланишининг ташхислаш тактикаси ва оптималлаштириш алгоритми таклиф этилган бўлиб, бу даволаш муддатини 1,5 барабар қисқартиради ва терапия самарадорлигини 2 барабар оширади, ХДБ қайталаниш частотасини 2 барабар камайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўшма патологиянинг вариантларига қараб гормонал воситаларни қўшган ҳолда тиреоид патологияси бўлган ўсмир қизларда ХДБ ни комплекс олиб бориш ва симптоматик даволаш илмий асосланган;

ХДБ нинг аниқланган тури учун ТТГнинг диагностик жиҳатдан гиперменорея учун $4,4 \leq \text{ТТГ} \leq 10,4$ мкМЕ/мл; гипоменорея учун $0,5 \leq \text{ТТГ} \leq 4,3$ мкМЕ/мл аҳамиятли даражаларининг аниқланиши билан асосланган;

тиреоид патологияси бўлган қизларда ҳайз цикли шаклланишининг ташхислаш тактикаси ва оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиреоид патологияси бўлган ўсмир қизларда ҳайз циклининг шаклланиш хусусиятлари аниқланди, унинг турлари (гиперменорея, гипоменорея ва аменорея) клиник, гормонал ва генетик жиҳатдан илмий асосланди. Фолликулогенез бузилишининг эрта гормонал маркерлари ва TSHR, CAT, VDR, CTLA-4 генларидаги номақбул аллеллар ҳайз дисфункциясининг мустақил генетик предикторлари сифатида муҳим эканлиги илмий асос билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат томонидан тасдиқланган институционал илмий-тадқиқот режаси доирасида олиб борилган бўлиб, натижалар ўсмир қизларда асоратларни ташхислаш ва олдини олиш бўйича клиник протоколларга интеграция қилиниш имкониятини бериш билан изоҳланади. Яратилган диагностика ва даволаш алгоритмларининг қўлланилиши ҳайз даври асоратлар хавфини камайтириш, қизлар саломатлиги ва сифатли репродуктив натижаларни таъминлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қалқонсимон без касаллиги билан касалланган ўсмир қизларда клиник, генетик, гормонал ва инструментал текширувлар орқали ҳайз кўриш функциясининг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда патогенетик асосланган даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: клиник, лаборатор ва инструментал текширувлар маълумотларининг динамик таҳлили асосида ҳайз функцияси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва қалқонсимон без патологияси (гиперменорея, гипоменорея ва аменорея) турларига қараб кузатилиши Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали 30.04.2025 йилдаги 42И-сон буйруқ ҳамда Андижон вилояти филиали 17.05.2025 йилдаги 16-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 10 июндаги №19/03-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тиреоид патологиясига эга қизларда ҳайз кўриш циклини шакллантиришни оптималлаштириш алгоритмини қўллаш самарали бўлиб, 3

ой мобайнида даволаш муддатини 1,5 мартага қисқартиради ва терапия самарадорлигини 2 мартага оширади, ҳайз кўриш цикл бузилишлари (ХДБ) рецидивларининг ривожланиш частотасини 2 мартага камайитириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** асосий гуруҳда рецидивларни даволаш харажатлари – 4753500 сўмни, солиштирма гуруҳда эса – 10457700 сўмни ташкил этган, ҳар бир бемор учун даволашга сарфланадиган 480000 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** тиреоид патологиясига эга қизларда ҳайз кўриш циклини шакллантиришни оптималлаштириш бўйича таклиф этилган усул самарали ҳисобланади, чунки у 3 ой мобайнида даволаш муддатини 1,5 мартага қисқартиради, терапия самарадорлигини 2 мартага оширади, ХДБ рецидивларининг частотасини 2 мартага камайитириши исботланиб, 1 нафар бемор учун 480 000 сўм маблағни тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: қалқонсимон без патологияси бўлган ўсмир қизларда фолликулогенез жараёни бузилишининг эрта маркерлари бўлган ХДБ турига хос гормонал ўзгаришлар исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали 30.04.2025 йилдаги 42И-сон буйруқ ҳамда Андижон вилояти филиали 17.05.2025 йилдаги 16-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 10 июндаги №19/03-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** фолликулогенез жараёни бузилишига оид аниқланган эрта маркерлар ХДБ ни ўз вақтида ва эрта ташхис қўйиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** асосий гуруҳда рецидивларни даволаш харажатлари – 4753500 сўмни, солиштирма гуруҳда эса – 10457700 сўмни ташкил этган, ҳар бир бемор учун даволашга сарфланадиган 5704200 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** гипоменструал синдром ривожланишининг махсус (специфик) омилларидан бири ЛГ/ФСГ нисбатининг меъёрдан ташқари ортиши бўлиб, бу тека ҳужайраларда андрогенларнинг гиперсекрецияси орқали фолликулогенез жараёнининг тўхташига сабаб бўлиши мумкин бу эса 1 нафар бемор учун 5704200 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: тиреоид патологиясига эга ўсмир қизларда ҳайз кўриш цикли бузилиши (ХДБ) ривожланишида иштирок этувчи молекуляр-генетик маркерлар исботланди. Хусусан, баъзи номақбул аллелларни ўз ичига олган генотиплар - TSHR генидаги rs179247A/G полиморфизмнинг “G” аллели, CAT генидаги rs1001179 (C2627) полиморфизмнинг минор “T” аллели, VDR генидаги rs2228570 (FokI) полиморфизмнинг “T” аллели ва CTLA-4 генидаги A/G полиморфизмнинг “G” аллели - тиреоид патологиясига эга ўсмир қизларда ХДБ ривожланиши хавфини олдиндан баҳолашда мустақил генетик маркерлар сифатида исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали 30.04.2025 йилдаги 42И-сон буйруқ

ҳамда Андижон вилояти филиали 17.05.2025 йилдаги 16-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 10 июндаги №19/03-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** фолликулогенез жараёни бузилишига оид аниқланган эрта маркерлар ХДБ ни ўз вақтида ва эрта ташхис қўйиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** асосий гуруҳда рецидивларни даволаш харажатлари – 4753500 сўмни ташкил этди, солиштирма гуруҳда эса – 10457700 сўм. Беморлар учун рецидивларни даволаш курси нархи 950700 сўмни ташкил этган, ҳар бир бемор учун даволашга сарфланадиган 5704200 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** Номакбул аллелларни ўз ичига олган генотиплар ("G" TSHR генининг rs179247A/G полиморфизми, CAT генининг rs1001179 (C2627) полиморфизмининг кичик "T" полиморфизми, VDR генининг rs2228570 FokI) полиморфизмининг "T" полиморфизми ва CTLA-4 генининг A/G полиморфизмининг "G" полиморфизми) мустақил генетик маркерлар бўлиб, қалқонсимон без патологиясида ўсмир қизларда ХДБ ривожланишининг юқори хавфини башорат қилади ва уларнинг комбинацияланган номакбул аллел генотиплари беморларнинг ушбу контингентда гипоменорея, гиперменорея ва аменорея шаклланишида ҳимоя таъсирига эга, бунда беморларни даволаш курси нархи 950700 сўмни ташкил этади, бу эса 1 нафар бемор учун 5704200 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: тиреоид патологиясига эга қизларда ҳайз кўриш циклини шакллантиришни оптималлаштириш учун ташхис тактикаси ва алгоритми таклиф этилди. Бу усул даволаш муддатларини 1,5 мартага қисқартириш, терапия самарадорлигини 2 мартага ошириш ва ХДБ рецидивлари ривожланиш частотасини 2 мартага камайтириш ҳолатлари бўйида этилиши Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилояти филиали 30.04.2025 йилдаги 42И-сон буйруқ ҳамда Андижон вилояти филиали 17.05.2025 йилдаги 16-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 10 июндаги №19/03-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тиреоид патологиясига эга қизларда ҳайз кўриш циклини шакллантиришни оптималлаштириш алгоритмининг қўллаш самарали бўлиб, 3 ой давомида даволаш муддатларини 1,5 мартага қисқартиради, терапия самарадорлигини 2 мартага оширади, ХДБ рецидивлари частотасини 2 мартага камайтиришга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** асосий гуруҳда рецидивларни даволаш харажатлари – 4753500 сўмни ташкил этган бўлса, солиштирма гуруҳда – 10457700 сўм, бу эса ҳар бир бемор учун 5704200 сўм иқтисод қилинишига эришилган. **Хулоса:** тиреоид патологиясига эга қизларда ҳайз кўриш циклини шакллантиришни оптималлаштириш бўйича таклиф этилган алгоритм самарали ҳисобланади, чунки у 3 ой мобайнида даволаш муддатини 1,5 мартага қисқартиради,

терапия самарадорлигини 2 мартага оширади ва ХДБ рецидивлари ривожланиш частотасини 2 мартага камайтиради, бу 1 нафар бемор учун 5704200 сўм тежам қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, 1 та услубий тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари изчил баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ўсмир қизларда тиреоид патология ва ҳайз функцияси шаклланишининг ўзаро боғлиқлиги (адабиётлар шархи)"** деб номланган **биринчи бобида** ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича мавжуд адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ва аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлари тизимлаштирилган, тиреоид ва репродуктив тизимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири, ҳайз цикли шаклланишининг асосий генетик маркерлари ва қалқонсимон без касалликлари келтирилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот материаллари ва усуллари батафсил баён этилган. Батафсил текширув учун 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган (ўртача ёш $15,6 \pm 0,39$) ҳайз кўриш функциясининг тасдиқланган бузилишлари ва қалқонсимон без касалликлари билан оғриган 101 нафар бемор танлаб олинди.

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари: ҳайз кўриш функциясининг бузилиши (бачадондан қон кетиши, олиго- ёки аменорея); қалқонсимон без патологияси.

Тадқиқотга киритилмаслик мезонлари: текширув давомида этиологик омил сифатида гемостаз тизими патологияси, кичик чаноқ аъзоларининг

яллиғланиш касалликлари, бачадон ва киннинг ривожланиш нуқсонлари аниқланган беморлар; беморлар томонидан ўтказилаётган терапия ва текширув режимларининг бузилиши; қалқонсимон безнинг хавфли ўсмалари.

Назорат гуруҳини ҳайз функцияси бузилмаган ва қалқонсимон без патологияси бўлмаган 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган 95 нафар соғлом қизлар ташкил этди.

Ўсмир қизларнинг ёши бўйича гуруҳлар таққослаш: Асосий гуруҳдаги беморлар орасида ҳайз кўриш функциясининг бузилиши 31,7% (101 бемордан 32 тасида) олигоменурия, 43,6% (101 бемордан 44 тасида) гиперменурия ва 24,8% (101 дан 25 тасида) аменорея мавжудлиги билан тавсифланган.

Текширув аниқ календарь ёши ва ёш даврини аниқлаш, ТВИ муддатлари, овқатланиш одатлари ва кундалик жисмоний машқлар ҳажмини аниқлаштириш билан анамнез йиғишни ўз ичига олган. Кейин антропометрик ўзгаришлар билан умумий клиник текширув ўтказилди.

Барча қизларга эндокринолог томонидан қалқонсимон без касаллиги ташхиси қўйилиб, тегишли даво муолажалари тайинланган. Зарурат туғилганда турдош мутахассислар (окулист, невропатолог, гематолог) томонидан консультациялар ўтказилган.

Чаноқ аъзоларининг ультратовуш текшируви "Hitachi" ва "Panasonic" (Япония) аппаратларида ўтказилди. Қалқонсимон безнинг ультратовуш текшируви аъзонинг ташқи ва ички тузилишини визуал баҳолаш имконини берди. Ушбу мақсадлар учун датчиклар частотаси 5-7,5 МГц бўлган реал вақт масштабида ишлайдиган қурилмалардан фойдаланилди (чизиқли датчик 7-10 МГц бўлган LOGIQ-3, Toshiba SSA-240A).

Хемилюминесцент иммун анализатор ёрдамида қон таҳлили: қон зардобидида ФСГ, ЛГ, пролактин, ТТГ, Т4 эркин фракцияси, умумий тестостерон, эркин тестостерон фракцияси, ДГЕАС-С, эстрадиол, прогестерон ва 25-ОН Д даражаси ўрганилди;

Ишнинг молекуляр-генетик қисми ЎЗР ССВ РИГИАТМ базасида, молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари бўлимида бажарилган (рах. Проф. Каримов Х.Я.). Иш давомида CAT генининг rs1001179 (C2627), VDR генининг rs2228570 (FokI), TSHR генининг rs179247 A/Г, CTLA-4 генининг A/G полиморф вариантлари ўрганилди. Ушбу локуслар "CAT, VDR, TSHR ва CTLA-4 генларининг экспрессиясини баҳолаш учун тўпламлар" "Inogene" (Санкт-Петербург, Россия) ёрдамида микдорий ПЗР усули билан ўрганилди.

Қалқонсимон без касалликларини даволаш "Болаларда эндемик бўқоқ" диагностикаси, даволаш ва профилактикаси бўйича консенсус (Москва, 1999 й.) ва аутоиммун тиреоидит диагностикаси ва даволаш бўйича клиник тавсияларга мувофиқ эндокринолог билан биргаликда амалга оширилди. Йод сақловчи препаратлардан "Йодид - 200" ишлатилди. Бир дона "Йодид - 200" таблеткасида 261,1 мкг калий ёдид мавжуд бўлиб, бу 200 мкг йодга тўғри келади. "Eutiroks" - 25 мкг дан бошлаб индивидуал дозада буюрилди.

Ҳайз цикли бузилишларини коррекциялаш ХДБ турига боғлиқ ҳолда амалга оширилди: олигоменорея ва аменореяда - эпинилестрадиол 20 мкг 6 ой

давомида; гиперменореяда - эстроген-гестаген препаратлар билан комбинацияланган (марвелон битта таблетка таркибига дезогестрел 150 мг, этинилестрадиол 30 мкг; силест - 1 таблетка таркибига этинилестрадиол 35 мкг ва норгестимат 250 мкг; ригевидон - 1 таблетка таркибига левоноргестрел 150 мкг ва этинилестрадиол 30 мкг киради), уларни кунига 2-3 таблеткадан - 0,5 таблеткадан ҳар 4 соатда қон кетиши тўлиқ тўхтагунча, сўнгра препарат дозаси ҳайз циклига ўхшаш реакция пайдо бўлгунча 21 кун давомида кунига 1 таблеткагача камайтирилди.

Комплекс терапиядаги барча қизларга витамин Д препаратлари терапевтик ёки профилактик дозада (4000-5000 МЕ/сут), шунингдек, 1 ой давомида оксидатив стресс оқибатларини камайтириш мақсадида антиоксидантлар билан витамин комплекси буюрилди.

Даволаш самарадорлигини баҳолаш учун биз 3, 6 ва 12 ойдан кейин ҳайз циклининг тикланишини кузатдик.

Олинган маълумотлар ўртача арифметик (М), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хато (м), нисбий катталиклар (частота, %), Студент мезони (т) ва хато эҳтимолини (Р) ҳисоблаш билан статистик функциялар кутубхонасидан фойдаланган ҳолда EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастурлар бўйича статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг "Қалқонсимон без патологияси бўлган ўсмир қизларда ҳайз циклининг шаклланиш хусусиятлари" деб номланган учинчи бобида

Анамнестик маълумотларни таҳлил қилишда биз қалқонсимон без патологиясида ҳайз кўриш функцияси бузилган текширилган беморларда болалигида ўтказилган касалликларни таҳлил қилишда яллиғланиш касалликлари муҳим ўринлардан бирини эгаллашини аниқладик. Асосий гуруҳдаги беморлар назорат гуруҳига нисбатан ($P < 0,05$) болалар юқумли касалликларига, масалан, эпидемик паротит, қизилча, қизамиқ, скарлатина, шунингдек, бурун ёндош бўшлиқларининг сурункали қайталанувчи яллиғланиши ва бошқаларга сезиларли даражада кўпроқ мойил бўлган (83,2% га нисбатан 42,5%; 84 дан 101 ва 17 дан 40). Шунингдек, асосий гуруҳдаги ўсмир қизларда назорат гуруҳига нисбатан ўткир юқумли касалликлар ($P < 0,05-0,01$), хусусан, тез-тез ЎРВИ (51,5%; 101 бемордан 52 таси) ва тонзиллитлар (35,6%; 101 бемордан 36 нафари 5,0% га қарши; 40 дан 2; $P < 0,001$). Шунингдек, асосий гуруҳда ЛОР аъзоларининг сурункали қайталанувчи яллиғланиши гайморит (12,9%; 101) ва отит (8,9%; 2,5% га қарши 101 дан 9 та; 40 дан 1 та; $P < 0,05$). Асосий гуруҳдаги ўсмир қизларда нафас олиш аъзолари касалликларининг юқори частотаси аниқланди, яъни пневмония частотаси 11,9% (101 тадан 12 таси), ўтказилган ўткир бронхит эса 13,9% (101 тадан 14 таси) ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига қараганда 2,8 баравар кўп (5%; 40 дан 5 та).

Антропометрик ўлчовлар ва ЖССТ стандартлари билан қиёсий жиҳатдан тиреоид патология фонида ХДБ бўлган ўсмир қизларнинг ўртача ривожланиш даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, жисмоний

ривожланиш даражаси аксарият ҳолларда (74,3%; 101 дан 75 таси) медиана кўрсаткичларига мос келди (1-жадвал). Асосий гуруҳдаги ўсмир қизларнинг 12,9 фоизи (+) СО - (+) СО стандарт оғишига мос келадиган ортиқча тана вазнига эга бўлган, шунингдек, 9,9 фоизида енгил даражадаги оксил-энергетик озикланиш етишмовчилиги (ОЭЕ) қайд этилган. Қолган ҳолатларда ТВИ кўрсаткичлари -1СО дан +1СО гача бўлган соҳада қайд этилади, бу нормал кўрсаткичларга мос келади.

Таблица 1

Қалқонсимон без патологияси фонида ХДБ билан касалланган ўсмир қизларнинг тана вазни, тана узунлиги ва ТВИ стандарт оғишларга мувофиқлиги фоизи (n=101)

Стандарт оғишлар	Тана массаси		Бўй		ИМТ	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
(-) 2 СО - (-) 3 СО	0	0,0	0	0,0	0	0,0
(-) 1 СО - (-) 2 СО	10	9,9	0	0,0	10	9,9
(-) 1 СО - 0	34	33,7	45	44,6	33	32,7
Медиана	36	35,6	52	51,5	35	34,7
0 - (+) 1 СО	9	8,9	4	4,0	10	9,9
(+) 1 СО - (+) 2 СО	12	11,9	0	0,0	13	12,9

Жинсий ривожланиш даражасини баҳолашда биз асосий гуруҳда ёшига мос келадиган жинсий ривожланиш бўлган беморлар устунлик қилишини аниқладик, аммо назорат гуруҳига нисбатан уларнинг фоизи сезиларли даражада паст эди (101 дан 82 таси 81,2%; $P < 0,05$). Жинсий ривожланишнинг илгарилаш частотаси фақат асосий гуруҳда 4,0% ҳолатда (101 тадан 4 тасида) учраган бўлса, чўзилиш 14,8% (101 тадан 15 тасида) қайд этилган.

Биз тухумдонлар дисфункциясининг турли хил клиник вариантларини аниқладик. 22 (31,4%) ўсмирда "муддатида" келган ҳайз кўришнинг кечикиши билан алмашинуви кузатилди. Кечикиш тенденцияси билан доимий тартибсиз ҳайз кўриш 23 (32,9%) беморда аниқланди.

Қисқарган ҳайз цикли (<21 кун) билан "ўз вақтида" келадиган ҳайз кўришнинг алмашинуви 9 нафар қизда (12,9%) кузатилган бўлса, қисқарган ҳайз цикли ва кечикиш билан ҳайз кўришнинг алмашинуви - "ҳайз кўрмаслик" 16 нафар (22,9%) беморда кузатилган. Тухумдонлар дисфункцияси бўлган қизлар орасида пубертат даврда бачадондан қон кетиши 8,6% ҳолатда (70 тадан 6 тасида) кузатилган. Бирламчи аменорея марказий генезли жинсий ривожланишдан орқада қолган 15 ёшдан катта 7 (6,9%) ўсмирларда кузатилди. Иккиламчи аменорея 12 (11,9%) қизларда ташхисланган, улар орасида тухумдонлар ва эндометрийнинг яллиғланиш касалликлари, шунингдек, вазн йўқотиш фонида аменорея билан оғриган беморлар йўқ эди. Бирламчи дисменорея 12 (11,9%) қизда кузатилди. Барча беморларда дисменореянинг ўртача оғирлик даражаси кузатилди.

Натижада 40 нафар ўсмир қизларда (39,6%) гипоменорея, 36 нафарида (35,6%) гиперменорея ва 25 нафарида (24,8%) аменорея аниқланди. Ушбу гуруҳларда қалқонсимон безнинг қуйидаги касалликлари ташхисланди: диффуз нотоксик буқоқ (ДНБ), гипотиреоз, тугунли эутиреоид буқоқ (УЭЗ),

аутоиммун тиреоидит (АИТ). Ушбу касалликларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳайз кўриш функцияси бузилишининг турли шаклларида азият чекадиган ўсмирлар гуруҳлари ўртасида гипотиреоз ва диффуз нотоксик бўқоқнинг учраш частотасида сезиларли фарқлар аниқланди ($P<0,05$).

Жадвал 2

Қалқонсимон без касалликларига қараб ХДБ билан касалланган ўсмир қизларнинг тақсимланиши

НМЦ	ДНБ		ТЭБ		гипотериоз		АИТ	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
гипоменорея	24	60,0	5	12,5	6	15,0	5	12,5
гиперменорея	8	22,2*	3	8,3*	21	58,3*	4	11,1
аменорея	15	60,0	2	8,0*	6	24,0	2	8,0*
Жами:	47	46,5	10	9,9	33	32,7	11	10,9

Изоҳ: маълумотларнинг ишончилиги $P<0,05$ энг паст учраш частотасига боғлиқ

Гиперменореяли беморлар гуруҳида кўпинча гипотиреоз (58,3%; $P<0,05$), гипоменореяли ва аменореяли ўсмирлар гуруҳида эса диффуз эутиреоид буқоқ устунлик қилди (мос равишда 60,0% ва 60,0%; $P<0,05$). Пубертат даврдаги гиперменореяли беморларда менархенинг ўртача ёши пастроқ ($11,3\pm0,5$ ёш; $P<0,001$), назорат гуруҳига нисбатан ($12,4\pm0,3$ ёш), гипоменореяли беморларда эса ҳайз кўришнинг ўртача ёши юқори ($13,6\pm0,4$ ёш; $P<0,001$) соғлом қизларнинг назорат гуруҳи билан таққослаганда. Қалқонсимон без функциясининг балоғатга етиш жараёнига таъсирини баҳолаш учун биз беморларни ҳар бир ХДБ нозологияси доирасида қалқонсимон без функциясининг бузилиш ҳолатига қараб ажратдик (3-жадвал).

Жадвал 3

Қалқонсимон без касалликларига қараб ХДБ билан касалланган ўсмир қизларнинг тақсимланиши

Ёши	ХДБ	Гипотериоз, n=33		АИТ, n=11		Диффузияли буқоқ n=47		Тугунли буқоқ, n=10	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
9-11	гипоменорея	0	0,0	1	9,1	0	0,0	0	0
	гиперменорея	8	24,2	1	9,1	6	12,8	2	20
	аменорея	0	0,0	1	9,1	0	0,0	0	0
12-14	гипоменорея	8	24,2	4	36,4	13	27,7	4	40
	гиперменорея	10	30,3	3	27,3	4	8,5	2	20
	аменорея	5	15,2	0	0,0	8	17,0	0	0
15-17	гипоменорея	1	3,0	1	9,1	7	14,9	1	10
	гиперменорея	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0
	аменорея	1	3,0	0	0,0	9	19,1	1	10
Жами:		33	100	11	100	47	100	10	100

3-жадвалдан кўриниб турибдики, гипоменорея ва ёндош гипотиреоз билан оғриган текширилган беморларда менархе ўртача ёши гипоменорея ва диффуз эутиреоид буқоқ билан оғриган беморларга қараганда каттароқ.

Кичик чаноқ аъзоларининг ультратовуш текшируви маълумотлари ўрганилганда, ХДБ турига қараб, гипоменорея ва бирламчи аменорея билан текширилган беморларда бачадон ва тухумдонлар ҳажмининг камайиши аниқ кўринади. Бачадон гипоплазиясининг энг паст даражаси гипоменорея билан оғриган беморларда аниқланган, аммо назорат гуруҳидаги қизларнинг шунга ўхшаш параметрлари билан фарқ барча ёш гуруҳларида сезиларли ($P<0,05-0,01$). Гипоменорея ва бирламчи аменорея билан оғриган беморларда тухумдонларнинг энг кичик ўлчамлари аниқланди, бу гуруҳларда ёш динамикаси ҳам минимал: 14-18 ёшда тухумдоннинг бўйлама ўлчамининг ўсиши 0,96 мм ни ташкил этди. Гиперменорея ва иккиламчи аменорея билан оғриган ўсмир қизларда тухумдонлар ўлчамлари меъёрий кўрсаткичларга максимал даражада яқинлашди. Кузатувдаги гиперменорея билан оғриган 36 нафар беморнинг 8 нафарида фолликула персистенцияси, 28 нафарида атрезия аниқланган, шу билан бирга персистенция катта ёшдаги қизларда кузатилган, бу адабиёт маълумотларига мос келади.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, тиреоид патология фонида ХДБ бўлган ўсмир қизларда гонадотроп гормонлар (FSG, LG) ва пролактин даражаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли номутаносиблик кузатилди ($P<0,05-0,001$).

Жадвал 4


Тиреоид патологияли ўсмир қизларда гонадотроп гормонлар таркиби ва ХДБ

Кўрсаткичлар	Гиперменорея	Гипоменорея	Аменорея	Назорат гуруҳи
ФСГ, мМЕ/мл	2,8±0,25***#	5,8±0,14*^#	3,4±1,05**^	3,2±0,33
ЛГ, мМЕ/мл	7,6±1,13***	5,8±0,53*^^###	5,7±0,51*^	5,9±0,62
ПРЛ, мМЕ/мл	486,1±32,3***	444,2±36,5*^	454,22±29,8*	351,2±24,3
Эстрадиол, пг/мл	26,3±4,2***##	13,4±5,6***^#	16,8±6,1***^	81,8±11,2

Изоҳ: * - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан маълумотларнинг ишончилиги (* - $P<0,05$; ** - $P<0,01$; *** - $P<0,001$); ^ - гиперменореяли ўсмир қизлар кўрсаткичларига нисбатан маълумотларнинг ишончилиги (^ - $P<0,05$; ^^ - $P<0,01$; ^^ - $P<0,001$); # - аменореяли ўсмир қизлар кўрсаткичларига нисбатан маълумотларнинг ишончилиги (# - $P<0,05$; ## - $P<0,01$; ### - $P<0,001$)

